

Миннатдорлик хати!!!

Мен 2023 йил ноябрь ойида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти Кенгашига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 майдаги “Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 136-сонли Фармонида асосан ишлаб чиқилган Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилган “Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 3416-сонли йўриқноманинг 14-бандида тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тиббиёт муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш лозимлиги жумладан: янги иш бошлаган салоҳиятли ёш шифокорлар учун ҳар ойда, биринчи йил учун 1 миллион сўмдан, иккинчи йил учун 750 минг сўмдан, учинчи йил учун 500 минг сўмдан махсус ойлик устамалар тўланиши лозимлиги белгиланганлиги, ва бу махсус устама ҳақи тўланмай келаётганлиги сабабли мурожат қилдим.

Мурожаатим юзасидан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан дастлаб, Республика тез тиббий ёрдам маркази Сирдарё вилояти филиали номига кўрсатма хат киритилиб, шу вақтгача махсус ойлик устма ҳақи тўланиши кераклиги маълум қилинган эди. Бирлашма томонидан мазкур кўрсатма ижроси таъминланмаганлигидан сўнг, меҳнат ҳуқуқ инспектори А.Албеков томонидан менинг манфаатимда фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё туманлараро судига даъво аризаси киритиб 2023 йилнинг июнь ойи ходим учун биринчи йил ҳисобланиб, 2023 йилнинг январь ойидан июнь ойига қадар ходим ҳисобига ҳар ойда 1.000.000 сўмдан 6 ой учун жами 6.000.000 сўм, жорий йилнинг июль ойидан бошлаб 750.000 сўмдан 4 ой учун жами 3.000.000 сўмдан умумий ҳисобда 9.000.000 сўм пул маблағи тўлаб берилиши лозим бўлсада, ушбу тўловлар шу кунга қадар тўланмай келганлигини билдириб даъвони қаноатлантиришни сўради. Мазкур даъво суд томонидан кўриб чиқилиб, Даъвогар Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Сирдарё вилоят Кенгаши фуқаро Ҳайдаров Бобир Хазраткулович манфаатида жавобгар Республика тез тиббий ёрдам маркази Сирдарё вилояти филиалига нисбатан ходим ҳисобига қўшимча устама пулини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин. Жавобгар Республика тез тиббий ёрдам маркази Сирдарё вилояти филиали ҳисобидан Ҳайдаров Бобир Хазраткуловичнинг фойдасига жами 9.000.000 сўм қўшимча ва махсус тўловлар ундирилсин деб ҳал қилув қарори қабул қилинди. Ҳозирда ушбу тўлов тўлаб берилди.

Мушкул ахволимда яқиндан кўмак берган, мукамал касбий маҳоратга эга бўлган, тиббиёт ходимларини доимий қўллаб-қувватловчи, уларга ҳамнафас бўлган Сиз ва сиз раҳбарлигингиз остида меҳнат қилаётган А.Албековга чуқур миннатдорчилик билдирган ҳолда келгуси ишларингизга омад тилайман.

20.03.2024 йил

Ҳайдаров Б.Х